

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент вилояти Чирчиқ
давлат педагогика институти
ректори Б.И.Мухамедов



2019 йил

10.00.01 – ЎЗБЕК ТИЛИ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА
ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРАГА КИРИШ УЧУН
ИХТИСОСЛИК ФАНИДАН
ДАСТУР

Тузувчилар:

Расулов Р., ф.ф.д., проф.
Матчонов С., п.ф.д., проф.
Бекмирзаев Н., ф.ф.н., доц.
Давлатова А.Р., ф.ф.н., доц.
Шофқоров А.М., ф.ф.н., доц. в.б.
Ходжамкулов У.Н., ф.ф.н., доц. в.б.
Ҳолиқова Н.Ж., ф.ф.н., доц. в.б.
Ботирова Ш.И., ф.ф.д (PhD). доц. в.б.

Ўзбек тили фани бўйича таянч докторантурага кириш учун фан ДАСТУРИ

I. Тилшуносликнинг фан системасида тутган ўрни

Тил ва жамият

Тилшунослик фан сифатида. Назарий тилшунослик. Амалий тилшунослик. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси. Тил ва ижтимоий тафаккур. Тил ва маданият. Вильгельм фон Гумбольдт ва лингвомаданиятшунослик. Сепир-Уорфнинг лингвистик нисбийлик назарияси. Тилнинг ижтимоий табақаланиши. Социолингвистика. Билингвизм ва диглоссия.

Тил – асосий алоқа воситаси. Тил ва тафаккур

Вербал ва новербал мулоқот. Тил табиати. Тил моҳияти. Тил вазифаси. Тил ва тафаккур муносабати. Тил ва тафаккур лингвистик муаммо сифатида. Тил тафаккур қуроли ва воситаси. Психолингвистика.

Тилнинг келиб чиқиши. Тилларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ривожланиш қонуниятлари

Тилнинг келиб чиқиши ҳақидаги фаразлар. Кишилиқ жамияти ва тил ҳақидаги назариялар. Лисоний табақаланиш ва қариндош тилларнинг ташкил топиши. Элатлар тили. Миллий тилларнинг ривожланиши. Тилнинг ички ва ташқи қонуниятлари.

Тил ва нутқ

Тил ва нутқ. Тил ва нутқ муносабатини изоҳлаш. Тил ва нутқ бирликлари. Тилнинг умумий ва нутқнинг хусусий ҳодиса эканлиги.

Тил сатҳлари ва унинг бирликлари

Тил сатҳлари. Фонологик сатҳ. Морфемик сатҳ. Сўз ясалиши. Лексик сатҳ. Морфологик сатҳ. Синтактик сатҳ. Гап. Тилда “система” ва “структура” тушунчалари.

Фонетика. Ёзув

Нутқ товушлари тилнинг табиий материали сифатида. Нутқ товушларининг акустикаси ва артикуляцияси. Нутқ товушларининг таснифи. Вокализм ва консонантизм. Унли товушларнинг таснифи. Нутқнинг фонетик бўлиниши: жумла (фраза), такт, бўғин, товуш. Энклитика ва энклиза ҳодисаси. Проклитика ва проклиза ҳодисаси. Бўғин ва унинг турлари. Интонациянинг вазифаси. Урғу ва унинг турлари. Нутқ товушларининг ўзгариши. Редукция. Нутқ товушларининг позиция ва комбинатор ўзгаришлари. Фонема тушунчаси ва унинг товушдан фарқи. Ёзув ҳақида умумий тушунча. Ёзувнинг ривожланиш босқичлари. Альфавит. Графика. Орфография. Ёзувнинг махсус турлари.

Лексикология

Сўз лексикологиянинг ўрганиш объекти сифатида. Сўз ва лексема. Лексик маъно ва унинг турлари. Лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши. Сўзларнинг маъно муносабатига кўра турлари. Кўп маънолилиқ. Метафора. Метонимия. Синекдоха. Омонимия. Синонимлар. Антонимлар. Табу ва

эвфемизмлар. Этимология ва “халқ” этимологияси. Сўз яшаш. Терминология. Идиомалар. Фразеология. Тилнинг луғат таркиби. Лексикография.

Грамматика

Грамматика. Морфология. Морфема ва унинг турлари. Тилнинг грамматик усуллари. Аффиксация. Агглютинация ва фузия. Сўзнинг морфологик ва этимологик таркиби. Товуш алмашишлари ва ички флексия. Такрор (редупликация). Сўз кўшилиши. Гапда сўз тартиби. Урғу кўчириш. Ёрдамчи сўзлар. Оҳанг. Супплетивизм. Тилларнинг синтетик ва аналитик курилиши. Грамматик категориялар. Сўз туркумлари. Синтаксис. Тилнинг синтактик бирликлари. Содда гап таркибида синтагмалар. Гап. Гап турлари. Гап бўлаклари. Сўз бирикмалари ва уларнинг боғланиш усуллари. Гапнинг актуал бўлиниши.

Семиотика. Тил – белгилар системаси

Белги ва белгилар системаси тушунчаси. Семиотика. Белгилар системасининг турлари.

Тиллар таснифи

Дунё тиллари. Тиллар таснифи. Тилларнинг генеалогик таснифи. Тилшуносликда қиёсий-тарихий метод. Тилларнинг типологик (морфологик) таснифи. Лингвистик типология. Ареал тасниф. Тилларнинг ҳудудий бўлиниши. Билингвизм. Интерференция ходисаси. Функционал тасниф. Халқаро тиллар.

Лингвистика фанининг тарихи

Қадимги Ҳинд тилшунослиги. Қадимги Греция ва Рим тилшунослиги. Платон. Арасту грамматикаси. Стоиклар таълимоти (эрамиздан олдинги III-I асрлар). Фалсафий ва грамматик даврлар. Ўрта асрларда Европа тилшунослиги (476-1492). Араб тилшунослиги. Европада уйғониш даври тилшунослиги (XV-XVIII асрлар). Умумий рационал грамматика (Пор-Рояль). Славян мамлакатларида тилшунослик. XIX аср рус тилшунослиги. Қиёсий-тарихий тилшунослик. Компаративистика даврлари. Тил антиномиялари. Тил фаолият сифатида. Тил – халқ руҳи. Тилларнинг ривожланиш босқичлари. “Ёш грамматикачилар” мактаби. Лейпциг тўғараги. Москва мактаби. Қозон мактаби. Ф. де Соссюр лингвистик назарияси. Структурализм. Прага лингвистик мактаби. Дания структурализи (глоссематика). Америка структурализми (дескриптив лингвистика). Шўро даври тилшунослиги. Ҳозирги замон тилшунослиги.

Замонавий тилшунослик.

Тилшуносликнинг замонавий йўналишлари

Генератив тилшунослик. Когнитив тилшунослик. Лингвистик фалсафа. Прагмалингвистика. Матн лингвистикаси. Психоллингвистика. Этнолингвистика. Типологик лингвистика. Лингвомаданиятшунослик. Компьютер лингвистикаси. Онтолингвистика. Зооллингвистика. Биоллингвистика. Менталлингвистика. Лингвопоэтика. Математик лингвистика. Коммуникатив тилшунослик. Нейролингвистика. Паралингвистика.

Лингвистик тадқиқот методлари

Тасвирий метод. Қиёсий-тарихий метод. Чоғиштира метод. Дистрибутив таҳлил методи. Бевосита иштирокчиларга ажратиш методи. Трансформацион таҳлил методи. Оппозиция методи. Компонент таҳлил методи. Стилистик таҳлил методи. Статистик метод. Автоматик таҳлил методи. Типологик таҳлил методи.

II. Замонавий ўзбек адабий тилининг назарий асослари

Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари, манбалари, илдизлари

Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. Ҳозирги ўзбек тили ва унинг табиати. Ҳозирги ўзбек тилининг манбалари, тарихий илдизлари, диалектал таркиби. Ҳозирги ўзбек тилига бошқа тилларнинг таъсири. Ҳозирги ўзбек тили тушунчаси. Унинг лисоний имконият эканлиги ва воқеланиш шакллари: адабий ва ноадабий, оғзаки ва ёзма шакллари, услубий кўринишлари. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг диалектал асослари. Ўзбек тили давлат тили сифатида. Давлат тили тушунчаси ва унинг ёндош ҳодиса (миллий тил, халқ тили, халқаро тил, расмий тил каби)лардан фарқи.

Ҳозирги ўзбек тилини илмий ўрганиш босқичлари. XX асргача бўлган ўзбек тили илми. Ўзбек анъанавий тилшунослиги. Ўзбек субстанциал тилшунослиги. Ҳозирги ўзбек тилининг янги лингвистик парадигмаларда илмий талқин қилиниши.

Ҳозирги ўзбек тили сатҳлари: фонетик-фонологик сатҳ, лексик сатҳ, грамматик сатҳ. “Ҳозирги ўзбек тили” фанининг бўлимлари. Тил сатҳлари ва тилшунослик бўлимлари муносабати.

Ҳозирги ўзбек тилида лисон, нутқ, меъёр муносабати. Нутқ тил имкониятларининг лисоний ва нолисоний омиллар таъсирида воқеланган ҳолати эканлиги. Лисоннинг умумийлик, моҳият, имконият, сабаб (УМИС), нутқнинг алоҳидалик, ҳодиса, воқелик, оқибат (АХВО) табиатига эгаллиги. Лисоний ва нутқий бирликлар. Меъёр лисон ва нутқни боғловчи ҳодиса сифатида.

Ҳозирги ўзбек тилида лисоний муносабатларнинг турлари: парадигматик муносабат, синтагматик муносабат, уларнинг хусусиятлари. Парадигматик муносабатларда лисоний зиддиятлар. Ўзбек тили тизимида лисоний зиддиятнинг турлари: нотўлиқ (приватив) зиддият, тенг қийматли (эквиволент) зиддият, даражали (градуал) зиддият, уларнинг хусусиятлари.

Ҳозирги ўзбек тили ҳодисаларини таснифлаш асослари. Тасниф белгиси. Таснифнинг турлари.

Ҳозирги ўзбек тилининг фонетик қатлами ва фонологияси

Ўзбек тили фонетикаси ва фонологияси тушунчалари. Эмпирик соҳа сифатидаги фонетика назарий соҳа сифатидаги фонологиянинг асоси эканлиги. Ўзбек тили фонологияси ва унинг асосий бирлиги. Фонема ва товуш муносабати, унда лисон ва нутқ муносабатининг акс этиши. Фонеманинг турлари. Унли фонемалар ва уларнинг субстанциал хусусиятлари, унли фонемаларни таснифлаш асослари. Ундош фонемалар ва

уларнинг субстанциал хусусиятлари, ундош фонемаларни таснифлаш асослари. Фонемаларо лисоний зиддиятларнинг воқеланиши.

Ўзбек тили фонемалари лисоний имкониятларининг нутқий воқеланиши. Нутқий воқеланишда фонема лисоний имкониятларининг нутқий шароит ва вазиятга мослашиши. Фонемаларнинг нутқий воқеланишига таъсир қилувчи лисоний омиллар: ёндош товушлар, урғу, бўғин, оҳанг ва бошқалар. Фонемаларнинг нутқий воқеланишига таъсир қилувчи нолисоний омиллар (нутқий вазият ва шароит, сўзловчи шахси ва бошқалар), уларнинг лисоний омиллар билан уйғунлашуви.

Фонетиканинг турлари, уларнинг мақсад ва вазифалари. Нутқ товушлари фонетик бирликлар сифатида. Нутқ товушининг турлари, хусусиятлари. Ўзбек нутқ товушларининг физик-акустик аспекти. Нутқ товушининг акустик белгилари. Ўзбек нутқ товушларининг анатомик-физиологик аспекти. Ўзбек тилида фонетик ходисалар. Комбинатор ва позиция омиллар таъсирида содир бўладиган ходисалар.

Ўзбек тилида бўғин (силлабема) ва унинг хусусиятлари. Бўғин турлари. Бўғиннинг ўзгариши. Ўзбек тилида урғу (акцентуация) ва оҳанг (интонация). Урғунинг турлари. Урғунинг ўзгариши.

Ўзбек тили графикаси, орфографияси ва орфоэпияси

Ўзбек тилининг ёзув тизимлари. Араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзуви ва унинг хусусиятлари. Кирилл алифбосига асосланган ўзбек ёзуви ва унинг хусусиятлари. Латин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзуви ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ўзбек миллий-маданий тараққиётидаги роли.

Ўзбек тили орфографиясининг асосий принциплари: фонетик принцип, фонематик принцип, морфологик принцип, график принцип, тарихий-анъанавий принцип, дифференциация принципи (символик принцип), шаклий-анъанавий принцип.

Ўзбек тили орфоэпияси. Нутқ товушлари орфоэпияси. Унли товушлар орфоэпияси. Ундош товушлар орфоэпияси. Адабий орфоэпия. Ўзлашма сўзлар талаффузидаги муаммолар. Орфоэпия ва имло муносабати.

Ҳозирги ўзбек тилининг лексик қатлами ва лексикология

Лексик сатҳ, унинг хусусиятлари ва бирлиги. Лексема лексик сатҳ бирлиги сифатида. Лексема ва сўз, уларнинг хусусиятлари. Лексема ва сўзда лисон ва нутқ муносабатининг ақс этиши. Лексеманинг тузилиши, туб ёки ясалганлиги, маъно кўлами, генезиси, қўлланиши ва бошқа белгиларига кўра турлари, муносабатлари. Семема ва нутқий маъно, уларнинг турлари ва хусусиятлари, узуал ва окказионал маъно. Сема ва унинг хусусиятлари, семанинг турлари. Лексеманинг нутқий воқеланиши, унга таъсир қилувчи лисоний (морфологик, синтактик) ва нолисоний (нутқий вазият, шароит, шахсий сифатлар) омиллар ҳамкорлиги. Сўзнинг маъновий тараққиёти. Лексема маъносининг торайиши ва кенгайиши. Ҳосила маъно вужудга келиш йўллари ва усуллари: метафора ва вазифадошлик; метонимия ва синекдоха.

Ўзбек тилида лексик-семантик системалар. Лексема – шакл ва маъно унсуридан иборат система сифатида. Луғавий қатор. Луғавий микросистема.

Луғавий-маъновий гуруҳ. Луғавий-мавзувий гуруҳ. Луғавий-мавзувий тўда. Луғавий-мазмуний майдон.

Ўзбек тилида парадигматик муносабатлар. Синонимия. Синонимик қатор. Доминанта. Лисоний синонимлар, нутқий синонимлар. Синонимик даражаланиш (градуонимия). Луғавий синонимларнинг марказ ва қуршов қатлами.

Лексик антонимия. Антонимик жуфтлик. Лисоний ва нутқий антонимия.

Омонимлар, омоформалар. Омонимияга ёндош ҳодисалар: омофонлар ва омографлар. Пароним ва параномазия.

Гипонимия, градуонимия.

Ўзбек тили лексикасида лисоний зиддиятларнинг амал қилиши.

Ўзбек тили лексикасининг тарихий тараққиёти. Ўзбек тили лексикасида эскирган қатлам ва унинг турлари: архаизмлар ва историзмлар. Сўз ўзлаштириш. Ўзлашма ва олинма сўзлар. Сўз олиш йўллари.

Ўзбек тили лексемаларининг ишлатилиш доираси. Ишлатилиш доираси чегараланган ва чегараланмаган лексика. Ишлатилиш доираси чегараланган лексиканинг турлари.

Ўзбек тили лексикасининг эмоционал-экспрессивликка муносабати. Экспрессивликнинг ифодаланиш усуллари.

Ўзбек тилида ономастик лексика, унинг турлари ва таркиби.

Ўзбек тили фразеологияси. Фразема. Фразеологик маъно, унинг турлари. Фразеологик-семантик муносабатлар. Фраземаларнинг нутқий воқеланиши. Фраземанинг нутқий воқеланиши, унга таъсир қилувчи лисоний (морфологик, синтактик) ва нолисоний (нутқий вазият, шароит, шахсий сифатлар) омиллар ҳамкорлиги.

Перифраза. Перифразаларнинг турлари, таркиби, услубий хусусиятлари.

Лексикография. Луғат ва унинг турлари. Умумий ва махсус, филологик ва қомусий, алифболи ва системали, академик ва таълимий, босма ва электрон, ёпиқ (доимий янгиланмайдиган) ва очиқ (доимий янгиланиб турадиган) луғатлар. Ўзбек ўқув лексикографияси муаммолари ва ўқув луғатлари.

Тил корпуси.

Ўзбек тили морфемикаси ва деривацияси

Морфема морфемика бирлиги сифатида. Морфеманинг лексемага муносабати. Морфеманинг хусусиятлари, вариантлари, типлари: деривацион ва грамматик морфемалар. Деривацион морфеманинг турлари. Грамматик морфеманинг турлари: луғавий шакл ҳосил қилувчи морфемалар, синтактик шакл ҳосил қилувчи морфемалар. Морфемаларда шакл ва маъно муносабатлари. Морфема лисоний имкониятларининг нутқий воқеланиши, унга таъсир қилувчи лисоний (лексик, синтактик) ва нолисоний (нутқий вазият, шароит, шахсий сифатлар ва б.) омиллар ҳамкорлиги.

Ўзбек тили деривацияси ва сўз ясалиши. Сўз яшаш қолипи. Сўз яшаш қолипи УМИС, ясама сўз АХВО сифатида. Сўз яшаш қолипининг турлари:

унумли ва унумсиз, махсулдор ва каммаҳсул қолиплар. Ясама сўзларнинг хусусиятлари, типлари ва турлари. Ясама сўз нутқий, ясалган сўз лисоний ходиса эканлиги. Ясама сўз тараққиётида ихтисослашиш, соддалашиш, тублашиш ходисалари. Сўз туркумларида ясашиш ва ясама сўзларнинг лексемалашиши. Сўз туркумларининг кўчиши. Сўз туркумларида транспозиция, конверсия ва полифункционаллик.

Ҳозирги ўзбек тили грамматикаси. Морфология

Грамматиканинг таркибий қисмлари. Морфология, грамматик шаклланган сўз унинг бирлиги сифатида. Ўзбек тилида лексемани грамматик шакллантирувчи восита ва унинг турлари. Грамматик маъно, унинг турлари: морфологик ва синтактик маъно, умумий, оралик ва хусусий грамматик маъно, категориял, ёндош ва ҳамроҳ маъно, уларнинг хусусиятлари ва турлари.

Ўзбек тили грамматик (морфологик) категориялари ва уларнинг турлари: луғавий шакл ҳосил қилувчи категориялар, луғавий-синтактик шакл ҳосил қилувчи категориялар, синтактик шакл ҳосил қилувчи категориялар. Грамматик шакл лисоний имкониятларининг нутқий воқеланиши, унга таъсир қилувчи лисоний (лексик, синтактик) ва нолисоний (нутқий вазият, шароит, шахсий сифатлар ва б.) омиллар ҳамкорлиги.

Ўзбек тилида сўз туркумлари. Сўзларни туркумлаш тамойиллари, тасниф асослари. Мустақил сўз туркумлари, уларнинг ўрганилиш тарихига шарҳ. Мустақил сўз туркумларининг хусусиятлари, типлари: ўзгарувчи ва ўзгармас туркумлар, ғайриоддий маъноли туркумлар (олмош, таклид). Мустақил сўз туркумлари тартиби.

Феъл. Феълнинг мустақил сўз туркуми сифатидаги умумий грамматик хусусиятлари. Феълнинг умумий грамматик маъноси. Феълнинг луғавий-грамматик гуруҳлари. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар. Феълнинг нутқдаги турлари: тусланган ва тусланмаган кўринишлари; тузилиш турлари, тўлиқсиз феълларнинг сўз туркумлари системасидаги ўрни.

Феълнинг таснифловчи категориялари. Нисбат категорияси ва унинг шакллари тизими. Нисбат категорияси ва шаклларининг умумий грамматик маъноси уларнинг субстанциал моҳияти сифатида. Нисбат категорияси умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги. Бўлишли-бўлишсизлик категорияси ва шаклларининг умумий грамматик маъноси уларнинг субстанциал моҳияти сифатида. Бўлишли-бўлишсизлик категориясининг тасдиқ-инкор категориясига муносабати. Бўлишли-бўлишсизлик категорияси умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар муносабати.

Феълнинг ўзгаловчи категорияси ва унинг шакллари: сифатдош, равишдош, ҳаракат номи. Ўзгаловчи категория ва шакллари умумий грамматик маъноси, уларнинг субстанциал моҳияти сифатида. Бўлишли-бўлишсизлик категорияси умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар муносабати.

Феълнинг ҳаракат тарзи категорияси мураккаб таркибли категория

сифатида. [Равишдош+кўмакчи феъл] ҳаракат тарзи категорияси шакли сифатида. Ҳаракат тарзи категорияси ва шаклларининг умумий грамматик маъноси. Ҳаракат тарзи категорияси умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар муносабати.

Феълнинг нокатегориал шакллари тизими.

От ва унинг ўрганилиш тарихи. Отнинг мустақил сўз туркуми сифатидаги умумий грамматик хусусиятлари. Отнинг умумий грамматик маъноси. Отнинг луғавий-грамматик гуруҳлари.

Отнинг таснифловчи категорияси. Сон категорияси ва унинг шакллари. Сон категорияси ва шаклларининг умумий грамматик маъноси. Сон категорияси умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар муносабати.

Отнинг нокатегориал шакллари.

Сифат ва унинг ўрганилиш тарихи. Сифатнинг мустақил сўз туркуми сифатидаги умумий грамматик хусусиятлари. Сифатнинг луғавий-грамматик гуруҳлари. Аслий ва нисбий сифатлар.

Даража сифатнинг таснифловчи категорияси сифатида. Даража категорияси умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омилларнинг уйғунлашуви.

Сифатнинг нокатегориал шакллари: кучайтirma ва озайтirma шакллари.

Сон ва унинг ўрганилиш тарихи. Соннинг мустақил сўз туркуми сифатидаги умумий грамматик хусусиятлари. Соннинг луғавий-грамматик гуруҳлари ва таснифланиши. Сон грамматик шаклларининг луғавий маънога таъсир қилиш имкониятлари. Сон шакллари умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омилларнинг уйғунлашуви. Нумеративлар. Нумеративли бирикувларнинг қолиплари.

Равиш ва унинг ўрганилиш тарихи. Равишнинг мустақил сўз туркуми сифатидаги ўзига хос грамматик хусусиятлари. Ўзгармаслик равишнинг грамматик белгиси сифатида. Равишнинг луғавий-грамматик гуруҳлари.

Тақлид ва унинг ўрганилиш тарихи. Тақлиднинг мустақил сўз туркуми сифатидаги ўзига хос грамматик хусусиятлари. Ўзгармаслик тақлиднинг грамматик белгиси сифатида. Тақлиднинг луғавий-грамматик гуруҳлари.

Олмош ва унинг ўрганилиш тарихи. Олмошнинг ўзига хос ишоравий (дейктик) табиати, мустақил сўз туркуми сифатидаги ўзига хос грамматик хусусиятлари. Олмошларнинг матндаги ўрни. Синтактик имкониятлари.

Синтактик шакл ҳосил қилувчи категориялар ва уларнинг турлари: эгалик, келишик ва кесимлик категорияси. Уларнинг умумтуркумий ва синтактик вазифа учун хосланган категориялар эканлиги.

Эгалик категорияси ва унинг шакллари парадигмаси. Эгалик категорияси ва шаклларининг умумий грамматик маъноси. Эгалик категориясининг турли мустақил сўз туркумларида қўлланиш хусусиятлари. Эгалик категорияси умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги.

Келишик категорияси ва унинг шакллари парадигмаси. Келишик

категорияси ва шаклларининг умумий грамматик маъноси. Келишик категориясининг турли мустақил сўз туркумларида қўлланиш хусусиятлари. Келишик категорияси умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги.

Кесимлик категорияси мураккаб категория сифатида. Кесимлик категориясининг таркиби (шахс-сон, замон, тасдиқ/инкор, модаллик категориялари), унинг шакллари парадигмаси. Шахс-сон категорияси ва шаклларининг умумий грамматик маънолари. Замон категорияси ва шаклларининг умумий грамматик маънолари. Тасдиқ-инкор категорияси ва шаклларининг умумий грамматик маънолари.

Кесимлик категорияси ва шаклларининг умумий грамматик маъноси. Кесимлик категориясининг турли мустақил сўз туркумларида қўлланиш хусусиятлари. Кесимлик категорияси умумий грамматик маъносининг нутқий воқеланишида лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги. Боғлама.

Ёрдамчи сўзлар ва уларнинг турлари: кўмакчи, боғловчи, юклама.

Кўмакчи, унинг ўрганилиш тарихи, хусусиятлари, типлари ва турлари. Кўмакчи лисоний имкониятларининг нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги.

Боғловчи, унинг ўрганилиш тарихи, хусусиятлари, типлари ва турлари. Боғловчи лисоний имкониятларининг нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар муносабати.

Юклама, унинг ўрганилиш тарихи, хусусиятлари, типлари ва турлари. Юклама лисоний имкониятларининг нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар уйғунлиги.

Сўз-гаплар, уларнинг ўрганилиш тарихи, хусусиятлари, типлари ва турлари. Сўз-гаплар лисоний имкониятларининг нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар муносабати.

Синтаксис

Синтаксис ва унинг ўрганиш предмети. Синтактик бирликлар: сўз бирикмаси ва гап. Ўзбек тилида лисоний синтактик қолип ва унинг турлари: сўз бирикмаси қолиплари ва гап қолиплари, уларнинг қурилиш хусусиятлари.

Валентлик, унинг тилдаги моҳияти. Валентлик ва синтактик алоқа УМИС ва АХВО диалектикасининг синтактик сатҳдаги воқеланиши сифатида.

Эркин бирикмалар ва унинг турлари. Сўз бирикмаси, унинг хусусиятлари, таркиби, типлари ва турлари, ёндош ходисаларга муносабати. Сўз бирикмаси лисоний синтактик қолипининг нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар муносабати. Сўз бирикмаси қолипларида эркин бирикув омиллари: маъновий, шаклий ва жойлашув омилари. Сўз бирикмасида тобе алоқанинг турлари: мослашув, бошқарув, битишув алоқалари.

Гап ва унинг қурилиш турлари. Содда гап, унинг лисоний ва нутқий хусусиятлари. Содда гап қолипи ва унинг турлари. Содда гапнинг лисоний белгилар асосидаги турлари: йиғиқ ва ёйиқ гап, бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли гап. Содда гап қолиплари. Гап бўлаклари. Гап бўлакларида

даражаланиш (кесим – эга – хол – тўлдирувчи – аниқловчи). Гап маркази. Гап ва сўз кенгайтирувчилари.

Кесим – гап маркази ва унинг уюштирувчиси. Кесимнинг турлари: мустақил ва номустақил кесим, содда ва мураккаб кесим. Феъл кесим ва исм кесим. Феъл кесим, унда кесимлик категориясининг воқеланиш имкониятлари кенглиги. Феъл кесимнинг тузилиш турлари ва кўринишлари. Исм кесим, унинг грамматик шакли, ифодаланиши. Боғлама, унинг кўринишлари. Исм кесим, унда кесимлик категориясининг воқеланиш хусусиятлари. Феъл кесимнинг тузилиш турлари ва кўринишлари.

Эга, унинг гап қурилишидаги ўрни. Эгали ва эгасиз гаплар. Эганинг ифодаланиши.

Хол, унинг гап қурилишидаги ўрни, маъновий турлари, ифодаланиши.

Тўлдирувчи, унинг гап қурилишида сўз кенгайтирувчиси сифатидаги ўрни, ифодаланиши. Тўлдирувчиларнинг турлари.

Аниқловчи, унинг гап қурилишидаги ўрни, ифодаланиши. Аниқловчининг турлари.

Содда гапнинг мураккаблашуви: гапнинг ажратилган бўлаклари, уюшиқ бўлаklar, ундалма, кириш ва киритма кенгайтирувчилар.

Содда гап лисоний имкониятларининг нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар муносабати.

Кўшма гап. Кўшма гап таснифи асослари. Кўшма гапнинг қурилишига кўра таснифи: тенг муносабатли, тобе муносабатли, мутаносиб муносабатли кўшма гаплар. Кўшма гапнинг таркибидаги боғловчи воситаларига кўра таснифи: фақат оҳанг воситасида, юкламалар воситасида, тенг боғловчилар воситасида, эргаштирувчи боғловчилар воситасида, нисбий сўзлар воситасида боғланган кўшма гап.

Кўшма гапнинг таркибий қисмлари орасидаги маъновий муносабатга кўра турлари: қисмлари пайт, ўрин, сабаб, бирин-кетинлик, бир вақтдалик, изоҳлаш, қиёслаш ва бошқа маъновий муносабатлар асосида боғланган кўшма гаплар. Кўшма гапнинг қисмлари орасидаги функционал муносабатларга кўра турлари: кесим тобе гапли, эга тобе гапли, хол тобе гапли, тўлдирувчи тобе гапли, аниқловчи тобе гапли кўшма гап. Кўшма гап таркибий қисмларининг ирреалликка муносабатига кўра таснифи.

Мураккаб кўшма гап. Мураккаб кўшма гапларда синтактик алоқа турлари.

Кўшма гап лисоний имкониятларининг нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар муносабати.

Ўзга гапли қурилмалар, уларнинг турлари, лисоний хусусиятлари, нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги.

Уюшган гап, унинг содда ва кўшма гап оралиғида тутган ўрни. Уюшган гапнинг лисоний-синтактик қолипи, турлари, нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар муносабати.

Мураккаб синтактик бутунлик тушунчаси. Мураккаб синтактик бутунлик матннинг таркибий қисми сифатида. Мураккаб синтактик бутунлик таркибий қисмларини боғловчи воситалар. Олмош, сўз-гапларнинг мураккаб

синтактик бутунликдаги ўрни. Мураккаб синтактик бутунлик ва микротекст. Мураккаб синтактик бутунлик ва абзац.

Пунктуация

Тиниш белгилари ёзма нутқ моҳиятини англашнинг муҳим воситаси сифатида. Ўзбек пунктуацияси тарихи. I-VIII асрлар ёзувларида тиниш белгилари. IX-XIX асрларда тиниш белгиларининг турлари ва хусусиятлари. XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг охирларигача бўлган даврда тиниш белгилари. XX асрнинг 90-йилларидан ҳозиргача бўлган даврда тиниш белгиларининг хусусиятлари. Пунктуация қоидаларини белгилашда нутқ мазмуни, қурилиши ҳамда интонацион хусусиятларига асосланиш. Ўзбек тилшунослиги тараққиёти ва пунктуация муаммолари. Пунктуация ва оҳанг. Пунктуация ва синтаксис. Ахборот технологиялари тараққиётида пунктуация муаммолари.

Тиниш белгиларининг қўлланиши: қўлланиш ўрни ва усулига кўра, тузилиши ва вазифасига кўра турлари. Тиниш белгиларининг такрор ва қатор ишлатилиши.

Тиниш белгилари вазифадошлиги. Вергул – тире вазифадошлиги. Қўштирноқ – тире вазифадошлиги. Икки нукта – вергул вазифадошлиги. Муаллиф пунктуацияси.

III. Ўзбек тилшунослиги тарихи

Ўзбек тилшунослиги шаклланишининг илк даври

“Ўзбек тилшунослиги тарихи” курси предмети, объекти, мақсад ва вазифалари. Фан доирасида ўрганиладиган асосий масалалар. Фаннинг бошқа фанлар билан муносабати. Курсни ўқитишнинг муҳимлиги. Ўзбек тилининг ўзбек халқи шаклланишидаги ўрни, тил ва жамият ўртасидаги муносабат, тилнинг жамиятдаги кўринишлари: адабий тил ва диалектлар; ўзбек адабий тилининг лаҳжавий асослари. Тилшунослик фани бўлимлари, улар ўртасидаги алоқадорлик. Араблар истилоси даврида тилшунослик. Ўзбек тилшунослиги тарихининг шаклланишида араб тилшунослигининг ўрни.

Абу Наср Форобийнинг (873-950) лингвистик қарашлари. Унинг хиссий ва идрокий билиш, умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса диалектикаси ҳақидаги фикрлари. “Фалсафату Аристуталис”, “Фозил одамлар шахри”, “Фанлар таснифи ҳақида сўз” асарлари таҳлили.

Абу Райҳон Берунийнинг (973-1048) лингвистик қарашлари. Унинг “Сайдана”, “Геодезия” асарлари таҳлили. “Сайдана”да 4500 дан ортиқ турли хил ўсимликлар номларининг изоҳланиши, асарнинг “Луғат” эканлиги.

Ибн Синонинг (980-1037) лингвистик қарашлари. “Асбоби ҳудуд ал ҳудуд” асари ҳақида. Асарнинг умумий фонетика масалаларига бағишланганлиги. Ибн Синонинг А.С.Трубецкойдан бир неча аср олдин коррелятив ундошларни ажратишга эътибор берганлиги. (к-г, қ-ғ).

Қорахонийлар даврида тилшунослик

(Маҳмуд Қошғарийнинг тилшунослик мероси)

Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти ва фаолияти (XI аср). Унинг “Девону

луғотит турк” асари таҳлили: асарнинг топилиши, таржимаси ҳақида. Маҳмуд Қошғарий қиёсий-тарихий тилшунослик асосчиси сифатида. Лингвогеографик қарашлари, фонетик қарашлари, лексика ва лексикографияга оид қарашлари; сўз ясалиши, морфологияга оид қарашлари. Асарнинг тузилиши. “Девону луғотит турк”нинг ўзбек тилшунослиги тарихий тараққиётидаги ўрни.

Маҳмуд Замахшарийнинг лингвистик мероси

Олимнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида. Олимнинг “Ал муфассал фи санъат ал иъраб” – Флексия санъати ҳақида. Муфассал китоб. (“Ал муфассал”) асари ҳақида. “Муқаддимат-ул адаб” асари. Асарнинг беш қисмдан иборат эканлиги: 1) от; 2) феъл; 3) боғловчилар; 4) от ўзгаришлари; 5) феъл ўзгаришлари. Асарда исмларнинг мавзувий гуруҳларга ажратиш тамойили асосида берилиши. Маҳмуд Замахшарий илмий-педагогик фаолиятининг баҳоланиши араб грамматикасини яратишдаги ўрни.

Мўғуллар истилоси даврида ўзбек тилшунослиги (1206-1400)

Бу даврда ўзбек ва уйғур тилларининг мустақил тиллар сифатида ажралиши. Номалум шахс томонидан ёзилган “Ат тухфатуз закияту филуғатит туркия ” – “Туркий тиллар ҳақида ноёб тухфа” (“Ат-тухфа”) асари таҳлили.

Эргаш Фозилов ва М.Т.Зияеваларнинг “Изысканный дар тюркскому языку” (Т., 1978 й.) асари. Асарда менталингвистик қарашлар (тилнинг ижтимоийлиги ҳақида) фонетика ва графика, грамматик масалалар бўйича қарашлар; от ва феълнинг грамматик хусусиятлари, ёрдамчи сўзлар ҳақидаги қарашлари. Асарнинг ёзилган жойи масаласи бўйича қарашлар.

Темурийлар даврида ўзбек тилшунослиги

Даврга тавсиф. Алишер Навоийнинг лингвистик мероси. Навоий фалсафасида умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса муносабатлари; унинг имконият ва воқеликнинг тил ва нутққа тегишлилиги ҳақидаги қарашлари. Олимнинг ва тилларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлари. Алишер Навоий чоғиштира тилшунослик асосчиси сифатида. А.Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари таҳлили. Фонетика, лексика, сўз ясалишига доир қарашлари, грамматик қарашлари. А.Навоийнинг тил ва нутқ маданияти сабоқлари (“Маҳбуб ул-қулуб” ва бошқа асарлари мисолида).

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг лингвистик қарашлари

“Бобурнома” асарида нутқ маданиятига оид фикрлар. Хумоюнга ёзган мактубида нутққа оид қарашларининг ифодаланиши. Бобурнинг имлога, ёзувга бўлган муносабати. “Бобурнома” сўзларни “луғавий майдон” асосида гуруҳлашга эътибор қаратилган асар сифатида.

Ўрта аср ўзбек лексикографияси тараққиёти

Толи Имонийнинг “Бадойи ал-луғат”, “Санглох”, “Луғати атракита”, “Хулосаи Аббоси” (“Санглох”нинг қисқа варианты), Муҳаммад Ризо Хансарнинг “Мунтаҳоб ал-луғат”, “Абушқа” луғатларининг юзага келиши. Мавзувий луғатларнинг яратилиши. Муҳаммад Чангийнинг “Келурнома” асари таҳлили.

Хонликлар даври ўзбек тилшунослиги

Абулғози Баходирхоннинг “Шажараи тарокима” (1658-1661) ва “Шажараи турк” (1663-1664 й.) асарлари туркий халқларнинг келиб чиқиши, тарқалиши бўйича изоҳ берувчи ноёб обида эканлиги. Олимнинг лингвистик қарашлари, атамалар этимологиясига доир қузатишлари.

Чор Россияси ва Шўролар ҳукмдорлиги даврида ўзбек тилшунослиги

XIX аср охирида ва XX аср бошларида яратилган ўзбек тили грамматикаси бўйича дастлабки асарлар. Ўзбек тилини ўрганишга кўмаклашадиган ўқув қўлланма ва луғатларнинг нашр этилиши. Н.Остроумов, В.Наливкин, М.Наливкина, И.А.Беляев, М.А.Терентьев, В.А.Алексеев, С.Лапин каби шахсларнинг бу борадаги хизматлари.

XX аср бошларида Махмудхўжа Бехбудийнинг (1875-1919) “Рисолаи асбоби савод” (1904 й.), “Илк ўзбек алифболарининг юзага келиши” (1875-1919) “Икки эмас, тўрт тил керак”, “Тил масаласи”, “Сарт сўзи мажхулдир”, “Сарт маълум бўлмади” каби мақолалари. “Китобат ул-атфол” каби (1908 й.) асарлари мазмуни.

Авлонийнинг лингвистик қарашлари (1878-1934 й.). Унинг “Биринчи муаллим”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Алифбо” асарлари.

А.Фитратнинг тилшунослик мероси (1886-1938). “Сарф” ва “Нахв” асарлари “Тилимиз мақоласи” таҳлили. “Чигатой гурунги” ташкилотининг ўзбек адабий тили учун кураши.

Ашурали Зоҳирийнинг лингвистик мероси (1885-1937). Унинг “Имло” (1916 й.) китоби. Олимнинг ўзбек адабий тилининг грамматик меъёрлари тўғрисидаги қарашлари.

Е.Д.Поливанов – машхур турколог олим. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти. “Тошкент диалектининг товушлар таркиби” (1922 й.) “Ўзбек тилининг қисқача грамматикаси” (I, II, III қисмлар) асарлари ҳақида.

XX асрнинг 40-йиллари ва иккинчи ярми ўзбек илмий тилшунослиги тараққиёти

Фахри Камол, У.Турсунов, Ғози олим Юнусов, А.Ғуломов, О.Усмонов, Ш.Шоабдурахмонов, Т.Ибрагимов, Ф.Абдуллаев, М.Асқарова, Ғ.Абдурахмонов каби олимларнинг лингвистик фаолиятлари ҳақида.

А.Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги тараққиёти. Унинг “Ўзбек тилида аниқловчилар” (1940 й.), “Ўзбек тилида келишиклар”, “Бадий асар тили ҳақида” (1941 й.), “Ўзбек тилида тарихий сўз ясаши муаммолари” (1955, докторлик диссертацияси), “Синтаксис” бўйича асарлари таҳлили.

А.Ҳожиев, С.Иброҳимов, И.Расулов, Р.Қўнғуров, Ж.Мухторов, Муталибов, В.С.Решетов, Ш.Раҳматуллаев, М.Миртожиев, И.Қўчқортоев, Н.Маматов, А.Маҳмудов, Ж.Омонтурдиев каби олимларнинг ўзбек тилшунослиги тараққиётига қўшган ҳиссалари тўғрисида.

Истиклол даври ўзбек тилшунослиги

Республикамизда тил сиёсатида мавжуд бўлган салбий ҳолатларга чек қўйилиши. Ўзбек тилшунослиги тараққиётига эркин йўл очилиши. Ўзбек тилининг лексикологияси ва терминалогиясининг ривожланишида асосий

омил бўлган ички имкониятларнинг кучайиши. Б.Бафоев, Т.Муллаев, С.Ғоибов, С.Каримов, Ё.Тожиев, А.Бердалиев, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Н.Маҳмудов, Р.Расулов, Т.Мирзакулов, З.Дўсимов, Э.Бегматов, Ҳ.Дадабоев, М.Жўрабоева, М.Наримонова каби олимларнинг тилшунослик ишлари.

Ўзбек тили фанидан малакавий имтиҳон дастури учун намунавий саволлар

1. Тил алоқалари: билингвизм ва диглоссия.
2. Тил алоқалари: интерференция.
3. Инглиз тили ва Ҳинд-Европа оиласи.
4. Лингвистик тадқиқот методлари.
5. Тилшуносликда замонавий йўналишлар.
6. Грамматикадаги тарихий ўзгаришлар (инглиз, немис, испан, француз, рус тиллари).
7. Фикр ифодалашнинг вербал ва новербал воситалари.
8. Коммуникатив тилшунослик. Матн ва унинг турлари.
9. Ёзув тараққиёти босқичлари.
10. Дунёдаги алфавит турлари.
11. Лингвистик типология бўйича назариялар.
12. Сўз – лингвистик белги сифатида.
13. Дунё тилларида синтаксиснинг ўзига хос хусусиятлари.
14. Аралаш тиллар: пижин ва креол тиллар.
15. Тил - энг муҳим алоқа воситаси.
16. Социолингвистика масалалари.
17. Тилларнинг худудий бўлиниши. Ареал тасниф.
18. Қиёсий-тарихий метод ва тилларнинг генеалогик таснифи.
19. Турли тизимли тилларда сўз ясалиши.
20. Адабий тиллар, уларнинг типологик фарқланиши, миллий-тарихий омиллари.
21. Тил ва жамият.
22. Лексикология.
23. Тилларнинг типологик (морфологик) таснифи.
24. Тил ва тафаккур.
25. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари, манбалари ва диалектал таркиби.
26. Ўзбек тилшунослиги тараққиёти ва унда янги лингвистик парадигмалар.
27. Ҳозирги ўзбек тилида лисон, нутқ, меъёр муносабати. Лисоний ва нутқий бирликлар.
28. Ҳозирги ўзбек тилида лисоний муносабат ва унинг турлари. Лисоний зиддиятлар. Лисоний тасниф ва унинг турлари.

29. Фонетика ва фонология. Фонема ва товушнинг диалектик муносабати.
30. Ўзбек тилшунослигида акцентуация ва силлабика. Урғу ва бўғин.
31. Ўзбек тилининг ёзув тизимлари тараққиёти.
32. Ўзбек тили орфографиясининг асосий принциплари.
33. Лексик сатҳ ва унинг бирлиги лингвистик муаммо сифатида.
34. Лексеманинг семантик структураси. Семема ва сема муносабати. Сема турлари. Моносемия ва полисемия.
35. Лексик-семантик системалар: луғавий-маъновий гуруҳ, луғавий-мазмуний тўда, луғавий-мазмуний майдон.
36. Ўзбек тилидаги лексемаларнинг шакл ва маъно муносабатлари: омонимия, синонимия, антонимия, градуонимия, гипонимия, партонимия.
37. Ўзбек тили лексемалари таснифи.
38. Ўзбек тили фразеологизмлари.
39. Ўзбек лексикографияси ва луғатчилиги. Умумий ва махсус луғатлар. Академик, оммабоп ва ўқув луғатлари.
40. Морфема, унинг турлари, лисоний хусусиятлари ва нутқий воқеланиши.
41. Ўзбек тили деривацияси ва сўз ясалиши.
42. Грамматик шакл, грамматик маъно ва грамматик категория.
43. Ўзбек тилида сўз туркумлари. Мустақил сўз туркумлари.
44. Феъл, унинг грамматик хусусиятлари ва таснифловчи категориялари.
45. От, унинг грамматик хусусиятлари ва таснифловчи категориялари.
46. Сифат, унинг грамматик хусусиятлари ва таснифловчи категориялари.
47. Сон, унинг грамматик хусусиятлари ва таснифловчи категориялари.
48. Равиш ва унинг грамматик хусусиятлари.
49. Таклид ва унинг грамматик хусусиятлари.
50. Олмош ва унинг грамматик хусусиятлари.
51. Ўзбек тилида синтактик шакл ҳосил қилувчи категориялар. Эгалик категорияси, унинг умумий грамматик маъноси ва шакллари парадигмаси. Эгалик категориясининг мустақил сўз туркумларида воқеланиш имкониятлари.
52. Келишик категорияси, унинг умумий грамматик маъноси ва шакллари парадигмаси. Келишик категориясининг мустақил сўз туркумларида воқеланиш имкониятлари.
53. Кесимлик категорияси, унинг умумий грамматик маъноси ва шакллари парадигмаси. Кесимлик категориясининг мустақил сўз туркумларида воқеланиш имкониятлари.
54. Ўзбек тилида сўз-гаплар: тизими, турлари ва субстанциал-грамматик хусусиятлари.
55. Ёрдамчи сўзлар: тизими, турлари ва субстанциал-грамматик хусусиятлари.

56. Синтактик бирликлар. Сўз бирикмасининг лисоний синтактик хусусияти ва боғланиш омиллари.

57. Валентлик ва синтактик алоқа лисон ва нутқ дихотомик бўлинишида.

58. Содда гапнинг лисоний синтактик хусусиятлари ва нутқий воқеланиши.

59. Гап бўлаклари. Сўз кенгайтирувчилари ва гап кенгайтирувчилари.

60. Қўшма гап, унинг лисоний турлари ва хусусиятлари.

61. Ўзга гапли синтактик ҳодисаларнинг лисоний қурилиш хусусиятлари.

62. Уюшган гап ва унинг тил лисоний синтактик системасидаги ўрни.

63. Тиниш белгилари: турлари ва вазифалари. Тиниш белгиларининг қўлланишидаги муаммолар.

64. Тилнинг ижтимоий вазифаси. Адабий тил табиати.

65. Ўзбек ёзуви тарихий тараққиёти.

66. “Ат-тухфа” луғати ва унинг тузилиш хусусиятлари.

67. Темурийлар даврида ўзбек тилшунослиги. Бобурнинг лингвистик қарашлари.

68. XIX аср охири ва XX аср бошларида тил ва тил таълими масалалари.

69. Ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланиши ва ютуқлари.

70. Ўзбек анъанавий тилшунослик мактаблари, унинг намояндалари.

71. Ўзбек тилшунослигининг назарий босқичи.

72. Ўзбек тилшунослигида диалектологияга доир ишларнинг таҳлили.

73. Абу Наср Форобийнинг “Моҳият-ҳодиса диалектикаси”, “Фалсафату Аристоталис” асарлари. “Фозил одамлар шаҳри”, “Фанлар таснифи ҳақида сўз” асарлари таҳлили.

74. Абу Райҳон Берунийнинг “Сайдана”, “Геодезия” асарларида лингвистик фикрлар.

75. Ибн Синонинг “Асбоби худуд ал худуд” асарининг умумий фонетика масалаларига бағишланганлиги.

76. Маҳмуд Замаҳшарийнинг лингвистик мероси.

77. Илк ўзбек алифболари ва имло китобларининг юзага келиши.

78. Истиклол даври ўзбек тилшунослиги.

Адабиётлар

1. Йўлдошев И., Муҳамедова С., Шарипова Ў., Мажидова Р. Тилшунослик асослари (ОТМ учун дарслик). Тошкент: ТДПУ, 2013.

2. Расулов Р. Умумий тилшунослик (дарслик). Тошкент: Фан ва технология, 2010.

3. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш (дарслик). Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.

4. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ (ўқув қўлланма). Тошкент: Ўқитувчи, 1993.

5. Jamolxonov H. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. – Toshkent: ЎзМЭ, 2013.
6. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G. va b. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2009.
7. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G. va b. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Darslik. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2010.
8. Rahimov S., Umurqulov B. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Darslik. – Toshkent: O'qituvchi, 2003.

Кўшимча адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016.
3. Нурмонов А. ва б. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология (ўқув қўлланма). -Т., 2001.
4. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. -Т., 2001.
5. Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар (ўқув қўлланма). Тошкент, 2001.
6. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: 2002.
7. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили (дарслик). Тошкент: 2006.
8. Эндрю Радфорд, Мартин Аткинсон, Давид Бритаин, Ҳаралд Слашен, Андрей Спенсер. Лингвистикс ан интродакшн. - Нью-Йорк, Коламбия университети пресс, 2009.
9. Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2009.
10. Замонавий ўзбек тили. Морфология. Дарслик.– Тошкент: Мумтоз сўз, 2008.
11. Замонавий ўзбек тили. Синтаксис. Дарслик. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2013.
12. Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013.
13. Назаров К., Эгамбердиев Б. Ўзбек тили ишора-имло қоидалари. (Пунктуация). Олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
14. Неъматов Ҳ, Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989.
15. Неъматов Ҳ, Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
16. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультетлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
17. Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992.

18. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик муносабатлар. (Ўқув кўлланма). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2002.

19. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаши тизими. Олий ўқув юр்தларининг филология факультетлари ўқитувчи ва талабалари учун кўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007.

20. Irisqulov M. Tilshunoslikka kirish. Darslik. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2009.

Электрон манбалар

1. www.ziyo.net
2. www.thinsan.com
3. www.uforum.uz
4. www.literature.uz

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти тарих ва тиллар факультети ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг 2019 йилги таянч докторантура қабули учун имтиҳон комиссияси таркиби

- Раис:** Расулов Р., ф.ф.д., проф.
Котиб: Шофқоров А.М., ф.ф.н., доц. в.б.
Аъзолар: Матчонов С., п.ф.д., проф.
Бекмирзаев Н., ф.ф.н., доц.
Давлатова А.Р., ф.ф.н., доц.
Ходжамкулов У.Н., ф.ф.н., доц. в.б.
Ҳолиқова Н.Ж., ф.ф.н., доц. в.б.
Ботирова Ш.И., ф.ф.д (PhD). доц. в.б.